ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00253

ҒЎЗАНИНГ УРУҒЛИК ЧИГИТЛАРИНИНГ САҚЛАШ МУДДАТИНИ УНУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Х. Эгамов
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг доценти.

Н. Мирхомидова
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг катта ўқитувчиси.

Б. Набиев
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг ассистенти.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ғўзанинг уруғлик чигитларининг сақлаш муддатини унувчанлигига таъсири ўрганилган. Жумладан Андижон-37 навини бир йил сақланган уруғлик чигитлари унувчанлиги 94, % бўлган бўлса, икки йил сақланганда белги кўрсаткичи тажрибада ўрганилган бошқа навларга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди ва 98,0 % га тенг бўлган.

Калит сўзлар: селекция, уруғчилик, пахта, ғўза, чигит, тола, микронейр, вильвет доскасида, вариант, қайтарик, дурагай.

THE EFFECT OF COTTON SEEDS ON STRENGTH OF STORAGE.

Kh. Egamov
Associate Professor of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

N. Mirkhomidova
Senior Teacher of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

B. Nabiyev
Assistant of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

ABSTRACT

This article examines the effect of cotton seeds on the shelf life of seeds. In particular, the fertility of Andijan-37 seeds stored for one year was 94%, while after two years it was observed that the sign index was higher than other varieties studied in the experiment and amounted to 98.0%.

Keywords: selection, seed, cotton, cotton, seed, fiber, micronaire, vilvet board, variant, return, hybrid.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00253

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 23 декабрдаги 604-сонли “Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги” қарорида алохида таъкидлаб ўтганларидек “Ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган ғўза навларини яратиш ва уларни ўзига хос агротехнологияларини ишлаб чиқиш” каби устувор вазифаларни селекционер олимлар ва мутахассислар олдига қўйдилар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Уруғчилик тўғрисида” ги махсус қонунлар қабул қилинганлиги селекция ва уруғчилик ишларига Давлат томонидан катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатади. Кейинги йилларда ғўза селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш бўйича тегишли Қарорларни қабул қилиниши Республикамиздаги пахтачиликни янада ривожлантиришда, пахтадан юқори ҳосил олиш, тола чиқимини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш асосий омиллардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз пахтачилигини юксалтиришда ғўза селекциясини ва уруғчилигини ривожлантириш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, бугунги ишлаб чиқаришда кенг майдонларда экилаётган ғўза навларига нисбатан янги яратилган навларни ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, юқори сифатли толага эга эканлигига ишонч ҳосил қилганда уларни элита уруғини тез ва қисқа муддатда кўпайтириб ишлаб чиқаришга жорий этиш керак. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда янги ғўза навларини яратиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ғўза навларини жойлаштириш ва янгилашда уруғчилик хўжаликларида мўл ва сифатли ҳосил гарови бўлган элита уруғчилигини йўлга қўйиш, уруғчилик ишларини жаҳон андозаларига мос даражада ривожлантиришда навнинг биологик хусусиятларига алохида эътибор қаратиш лозим [1;2;3].

НАТИЖАЛАР

Уруғларни қанча муддат сақлаганда униб чиқиш ва ҳосилдорлиги қайси навда қай даражада бўлишини билиш маълум аҳамият касб этади [4;5;6;7].

Шуларни ҳисобга олиб ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясида яратилган бир неча навларни 1, 2, 3 йил сақлаб тажриба хона ва дала ўнувчанлиги ТДАУ Андижон филиалида 2017-2019 йилларда ўрганилди.

Тажриба даласининг тупроғи оч тусли бўз, механик таркиби ўртача қумоқ, эскитдан суғориладиган, шўрланмаган. Сизоб сувлари ер юзидан 4-5 м

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00253

пастда жойлашган.

Тупроқ ҳайдов қатламидаги чиринди (гумус) миқдори 0,9-1,1%, умумий азот 0,079-0,081%, фосфор 0,150-0,153%, хажм оғирлиги 1,40-1,43 г/см^3. Тажриба хўжалигининг тупроқ шароити ва иқлими Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари минтақаси шароитига мос келади. Тажриба далаларда чигит униб чиққандан бошлаб қуйидагича кузатув ишлари олиб борилди:

-100 фоиз ниҳолларни униб чиқиши;

-1 июн,июл,август,сентябрда ғўзани ўсиши ва ривожланиши;

-ўргимчаккана билан зарарланиши;

-кўсак қурти билан зарарланиши фоизларда ҳисобланди;

-ғўзанинг 50 фоиз гуллаши;

-50 фоиз кўсакларни очилиши;

-тизмаларни пахта ҳосилини хисоблаш;

-ҳар бир тизмалардан 50 донадан кўсак пахтасидан иборат намуна териб олинди.

Кузатув ва ҳисоб-китоблар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ-2007), селекция бўйича бажарилган тадқиқотлар “Қишлоқ хўжалик экинларини нав синови” (1971), ғўзанинг ўргимчак кана, шира, трипс билан зарарланишини махсус “Аниқлагичлар”да (1982, 1987, 2003) ва С.Н.Алимухаммедов, М.Т.Хўжаев китобларидан фойдаланилди. Тадқиқот маълумотларининг математик ишлови Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (М. Колос, 1985) услуби асосида бажарилди.

Тажрибахона шароитида ғўза навлари уруғлик чигитларининг унувчанлиги, униб чиқиш қувватига мос равишдаги кўрсаткичларнн намоён қилди. Яъни, 3 хил муддатда сақланган чигитларнинг қай бирида (навлар бўйича) униб чиқиш қуввати юқори бўлган бўлса, уларда унувчанлик кўрсаткичи ҳам баланд бўлганлиги кузатилди.

Уруғлар бир йил сақланганда навлар чигитларинин унувчанлиги 90-96 % ни ташкил этди. Униб чиқиш қуввати кўрсаткичи каби ўрганилаётган белги бўйича юқори курсаткич Андижон-35 навида ва паст натижа Андижон-36 навида кузатилди. Бироқ, Андижон-36 нави чигитлари 2 йил сақлангандаги кўрсаткичи сезиларли даражада(6,1% га) ортганлиги аниқланди.

Андижон-37 навининг бир йил сақланган уруғлик чигитлари унувчанлиги 94, % бўлган бўлса, икки йил сақланганда белги кўрсаткичи тажрибада ўрганилган бошқа навларга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди ва 98,0 % га тенг бўлди. Қолган навларнинг ҳам 2 йил сақланган чигитларининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00253

унувчанлиги бир йил сақланган уруғлик чигитлар унувчанлигидан юқори эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, аксарият навларнинг чититлари уч йил сақланганда уларнинг унувчанлик кўрсаткичи икки йил сақланган чигитларга нисбатан пасайиши кузатилди. Бироқ,Ўз ПИТИ-201 навида ушбу холатнинг акси қайд қилиниб, навнинг 2 йил сақланган уруглик чигитининг унувчанлиги 3 йил сақланганга нисбатан 1,4% га ортиқ эканлиги аниқланди.

Уруғлик чигитларининг дала шароитида унувчанлигини ўрганишимиз бўйича қуйидаги натижалар олинди. Бир йил сақланган уруғларда унувчанлик навлар бўйича 48,1 % дан 78,4 % гача бўлгани ҳолда энг юқори кўрсаткич Андижон-35 навида ва энг паст натижа Андижон-36 навида қайд этилди. Уруғликлар икки йил сақланганда уларнинг унувчанлиги бир йил сақланган чигитлар кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ортди. Бир ва икки йил сақланган чигитларнинг кўрсаткичлари хар бир нав учун алоҳида таққосланганда ўртадаги фарқланиш 1,9 % дан 21,8 % гача эканлиги аниқланди. Икки йил сақланган чигитларнинг унувчанлиги 61,3-85,1 % оралиғида бўлди. Тажрибалар ЎзПИТИ-202 навининг 2 йил сақланган чигитларининг униб чиқиш тезлиги энг юқори бўлганлигини (98,9 %).унинг унувчанлиги (85.0 %) ҳам юқори кўрсаткичга эгалигини кўрсатди.

3 йил сақланган уруғлик чигитларнинг дала шароитидаги унувчанлиги 46,1 % дан 80,2 % гача бўлиб, икки йил сақланган чигитларнинг белги кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пасайганлиги (1.6,4-14,8% гача) аниқланди. Таъкидлаш керакки, навларнинг 3 йил муддатгача сақланган уруғларннинг энг юқори унувчанлнгн Ўз ПИТИ-202 навида қайд қилинди. Уруғларнинг унувчанлиги бўйича кейинги ўринни ЎзПИТИ-201 нави эгаллаб, 80,1 % ни ташкил этди. Демак, юқори сифатли уруғлик чигит етиштиришда уни сақлаш муддатларининг ахамияти ҳам катта бўлиб, тиним давринин гқанчалик охирига етиши билан характерланади.

МУҲОКАМА

Ўрганнлаёгган белгига уруғлик чигитларнинг сақлаш муддатларининг таъсири бўйича олинган натижаларга кўра, чигитлар бир йил сақланганда ҳосилдорлик навлар бўйича 39,0-41,5 ц/га ни ташкил килди. Пахта ҳосили салмоғи бўйича энг юқори кўрсаткичга (41,5 ц/га) бир туп ўсимлигида энг кўп кўсак тўплаган ЎзПИТИ-201 нави, энг паст натижага (38,9 ц/га) эса ЎзПИТИ-203нави эга бўлди. Шунингдек, бир туп ўсимлигида кўп кўсак тўплаган ва 1000 дона чигит вазни юқори бўлган ЎзПИТИ-202 навннинг ҳосилдорлиги 40,9 ц/га га

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00253

тенг бўлди.

Навларнинг уруғлик чигитлари икки йил сақланганда уларнинг хосилдорлик кўрсаткичлари 40,9 ц/га дан 43,7 ц/га гача бўлгани холда, барча навларда хосилдорликнинг ортганлиги кузатилди. Навларнинг уруғлик чигитлари уч йил сақлаб экнилганда, уларнинг дала шароитидаги униб чиқиш тезлигининг сусайиши ва унувчанлиги пасайиш ҳисобига (2 йил сақланган уруглик чигитлар кўрсаткичларига нисбатан) барча ўрганилган навларда ҳосилдорлик кўрсаткичининг камайиши кузатилди.

Шуни таъқиқлаш керакки, уруғлик чигитлари бир ва уч йил сақланиб экилган холларда навларнинг ҳосилдорлиги таққосланганда бир-бирига яқин бўлганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Сақлаш даврининг ғўза навларининг уруғлик чигит сифати ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири юзасидан лаборатория ва дала шароитида олиб борилган тажрибалар уруғликларда физиологик етилиш жараёнларнинг турлича кечиши оқибатида уруғ сифати ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳар хил бўлишини кўрсатди. Уруғ сифати ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича юқори натижаларни олиш учун уруғлик чигитларни 2 йил сақлаш 1 ва 3 йил сақлашга қараганда энг мақбул муддат эканлиги аниқланди. Шу уринда барча экинларда бўлгани каби пахтачиликда ҳам уруғлик чигитларни тайёрлашда талаб этилган миқдордан 25-30 % ортиқча чигит тайёрланади ва бу захира фонди деб юритилади. Қайта экиш бўлмаган тақдирда чигитларни сақлашни яхши ташкил этиб, икки йил сақланган чигитларни келгуси йил ҳосили учун экиш мақсадга мувофиқ бўлади деган хулосага келиш мумкин.

REFERENCES

1. Абдурахмонов Э.Б., Саидов Ж.И., Абдурахмонов Х.Э., Танлов нав синовидаги янги ғўза навларининг қимматли хўжалик ва сифат кўрсаткичлари. Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш, мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман маърузалари асосидаги мақолалар тўплами, Тошкент. (2013йил,4-5 декабр) 373-375 б.

2. Бабаев Я. А., Рахманкулов М.С., Оразбайева Г.Э., Нурова М. Ф. Морфохозяйственные признаки лучших беккросс гибридных семей хлопчатника. “Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00253

материаллари тўплами, Тошкент, (2016 йил, 15-16 декабр) 1-қисм, 186-190 б.
3. Қосимов. А.” Янги нав ва хосилдорлик”. Қишлоқ хўжалигиэкинларидан юқори ва сифатли хосил олишдаги агротехналогик муаммолар, ҳамда уларнинг ечимлари. (Республика илмий амалий анжуманинин гмақолалар тўплами). «Андижон нашриёт - матбаа» очиқ акциядорлик жамияти, 2006, 12-15 б.
4. Ким Р.Г. Скороспелость хлопчатника и её взаимосвязь с вилтоустойчивостью у отдаленных внутри и межвидовых гибридов хлопчатника на вилтовых фонах, зараженных расами гриба А и Б Vertcillum dahlae Kleb. Материалы международной научной конференции «Эволюционные и селекционные аспекты скороспелости и адаптивности хлопчатника и других сельскохозяйственных культур» посвященной 95-летию со дня рождения академика С.С.Садыкова. Ташкент, Издательство. «Фан» АНРУз. 2005,с .111-112
5. Раҳмонқулов С., Даминова Д., Жалолов Х. Амфидиплоид беккросс авлодлари асосида олинган ғўза тизмаларининг шўрланган тупроқ шароитига бардошлилиги. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари номли Республика илмий-амалий анжумани илмий материаллари. Тошкент, (2015й.15-16 декабр 1-қисм), 483-486 б.
6. Эгамов Х., Рахмонов З., Расулов С., Хусанов Б., Хамрабоев Л., Маликов Х. Сара уруғ етиштиришнинг илмий асослари ва амалий аҳамияти. Республика илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. Андижон, 2012 й. 72-74-б.
7. Эгамов Х., Комилов Т. Туксиз чигитли ғўза навлари яратиш. Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари (2-қисм). Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар туплами. Материалы международной научно-практической конференции.Тошкент. 2007 й.191-192-б
8. Мирахмедов Ф.Ш., Абдумаликов У.З., Абдумаликов И., Тиллабоев А. Минеральные удобрения и их рациональное применение на орошаемых землях Узбекистана // Интеграционные процессы мирового научно-технологического развития, Белгород, 2017. С. 19-21.
9. Кимсанов И.Х, Кодиров О.А, Рахимов А.Д, Абдумаликов У.З. Изучение морфологических и хозяйственно-ценных признаков новых сортов хлопчатника в условиях андижанского вилоята// Приоритеты инновационно-технологического развития в условиях глобализации, Белгород, 2019. С. 24-27.